

**Акциядорлик жамияти шаклидаги «Uzsalaman» Ўзбекистон-Германия қўшма
корхонаси кузатув кенгашининг
8 - сонли БАЁННОМАСИ**

Мажлис ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Тамарахонум кўчаси, 7.

Мажлис ўтказилган сана ва вақт: 2015 йил 16 ноябрь, соат 17:00.

Мажлисида иштирок этганлар:

1. Ишанкулов Раж Мунавварович – Кузатув кенгаши раиси;
 2. Маматов Шавкат Кувонович – Кузатув кенгаши аъзоси;
 3. Худояров Бахтиёр Ишмуминович – Кузатув кенгаши аъзоси;
 4. Хашимов Обид Тулаганович – Кузатув кенгаши аъзоси;
 5. Хасанов Махаммад Карим Муратович – Кузатув кенгаши аъзоси;
 6. Рустамбеков Давлатбек Пулатович – Кузатув кенгаши аъзоси;
 7. Ишанкулов Мухаммад-Саид Мунавварович – Кузатув кенгаши аъзоси.
- Мажлис қатнашчилари сони **7 киши** ёки **100 фоиз**. Мажлис қворумга эга.

Таклиф этилганлар:

Жамият бош директори – Абдуллаев Р.А.

Жамият бош бухгалтери – Тешабоев И.Ю.

Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси – Қосимов У.С.

Мажлисни очиш учун кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов сўзга чиқди ва мажлис иштирокчиларига қуйидаги кун тартибини тасдиқлаш таклифини киритди.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. Жамият молия – хўжалик фаолиятининг 2015 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича жамият бошқарувининг ҳисоботини кўриб чиқиш;**
- 2. Жамиятнинг 2016 йил учун мўлжалланган Бизнес режасини тасдиқлаш тўғрисида.**

Кун тартиби мажлис иштирокчилари томонидан бир овоздан тасдиқланди.

1.Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун талабларига ҳамда жамият уставига асосан жамиятнинг чораклик ҳисоботлари кузатув кенгаши томонидан эшитилиб, тасдиқлаб борилиши кераклигини билдирди.

Шундан сўнг жамият бош директори Абдуллаев Р.А. сўзга чиқиб, мажлис қатнашчиларини жамият молия-хўжалик фаолиятининг 2015 йилнинг тўққиз ойида амалга оширилган ишлар билан таништирди.

Жамият бош бухгалтери И.Ю. Тешабоев жамиятнинг 2015 йил 3- чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот берди. Унга кўра ҳисобот даврида жамият томонидан сотилган маҳсулотлар учун тушум миқдори 3 165 607 000 сўмни ташкил этди ва маҳсулотларни сотишдаги ялпи даромад 808 963 000 сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг жорий давридагига қараганда 1,58 мартта камайган.

Ҳисобот даврида давр харажатлари 604 609 000 минг сўмни ташкил этди. 163 880 740 сўм миқдоридан даромад солиқлари тўланганидан сўнг жамиятнинг ҳисобот давридаги соф фойдаси 30 378 000 сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даврида жамияттомонидан 600 000 000 сўм миқдоридан банк кредити олинди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ҳам ашё сотиб олиш учун ўналтирилди.

Жамиятнинг 2015 йил тўққиз ойи натижалари бўйича ҳисоботи кузатув кенгаши аъзолари томонидан муҳокама қилинди.

Муҳокамалар сўнгида жамият кузатув кенгаши раиси жамият бошқарувининг 2015 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича фаолиятини қониқарли деб топиш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1.1. Жамият бошқарувининг 2015 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича ҳисоботи 1-иловага асосан маълумот учун қабул қилинсин.

1.2. Жамият бошқарувининг 2015 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича фаолияти қониқарли деб топилсин.

Кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш натижалари:
Рози – **7 та овоз ёки 100%**, Норози – **йўқ**, Бетараф – **йўқ**.

2.Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан жамият кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига ҳамда Жамият Уставига асосан жамиятнинг йиллик бизнес режасини тасдиқлаш жамият кузатув кенгаши ваколатига киради. Шунга кўра Жамият бошқаруви томонидан Жамиятнинг 2016 йил учун бизнес режаси лойихаси ишлаб-чиқилган (Бизнес режа мажлис иштирокчиларига танишиб чиқиш учун тарқатилди).

Шундан сўнг, жамият бош бухгалтери И.Ю. Тешабоев жамиятнинг 2016 йил учун мўлжалланган Бизнес режасига киритилган асосий кўрсаткичлар ва прогнозлар хусусида бирма-бир тўхталиб ўтди.

Мажлис иштирокчилари томонидан ушбу масала муҳокама қилингандан сўнг, Р.М. Ишанкулов жамиятнинг 2016 йил учун мўлжалланган Бизнес режасини тасдиқлаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Жамиятнинг 2016 йил учун Бизнес режаси 2-иловага асосан тасдиқлансин

Кун тартибидаги масала кўриб чиқилганидан сўнг кузатув кенгаши раиси қабул қилинган қарорларни эълон қилди:

Кун тартибидаги масала бўйича қабул қилинган қарорлар:

1.1. Жамият бошқарувининг 2015 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

1.2. Жамият бошқарувининг 2015 йил тўққиз ойи яқунлари бўйича фаолияти қониқарли деб топилсин.

Қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, кузатув кенгаши мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди. Ушбу мажлис баённомаси икки нусхада тузилди ва 2015 йил __ ноябрь куни имзоланди.

Кузатув кенгаши раиси:

Р.М. Ишанкулов

Кузатув кенгаши аъзолари:

Ш.К. Маматов

Б.И. Худояров

О.Т. Хашимов

Д.П. Рустамбеков

М.М. Ишанкулов

Мажлис котиби, кузатув кенгаши аъзоси:

М.М. Хасанов